



MILLIY TIKLANISH

50 (422) ● 2016 йил 16 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!

Сайлов — 2016

Партия кузатувчилари учун

семинар ташкил этилди

Шу йилнинг 12 ноябрь кунини ЎзМТДП Марказий кенгаши Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этувчи партия кузатувчилари учун семинар ташкил этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги участка сайлов комиссияларига бириктирилган партия кузатувчилари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Мухаммаджонова шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайловида тайёргарлик ишлари кизгин паллага киргани, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамиятга эгалиги, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилганини таъкидлади.

— Амалдаги сайлов қонунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партия кузатувчилари ҳам сайлов жараёнини кузатиб боришга ҳақли, — деди Ф. Мухаммаджонова. — Ушбу семинардан кўзланган мақсад ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси кузатувчиларини керакли норматив ҳуқуқий қўлланимлар билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича қонунда назарда тутилган ваколат ва мажбуриятлар борасида тушунчалар беришдан иборат.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарорига асосан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашувчи сиёсий партияларнинг кузатувчилари тўғрисида" Низом тасдиқланган.

> 3-бет.

Юзма-юз



Ўзликни асраш — келажакни асраш

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция тарзида ташкил этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳодир Шаропов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Субҳон Аббосов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Дунёда тарихий шаҳарлар кўп. Уларнинг ҳар бирига инсоният ўтмишида тутган ўрни ва бугунги тараққиёти, цивилизация ривожига аҳамияти, маданияти, сайёҳлик ва савдо-иқтисодий салоҳиятига кўра баҳо берилади, — деди Сарвар Отамуратов. — Қадимий ва ҳамisha навқирон, ер юзининг сайқали, Шарқ гавҳари деган таърифу тавсифлар билан ташбехланадиган Самарқанд ана шундай шаҳарлар орасида алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

Бу қадимий ва муқаддас заминнинг азалдан илм-фан, маданият, савдо ва ҳунармандлик маркази, халқимизнинг юксак ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятини дунёга намойён этган буюк алломаларга бешик бўлгани ҳақида тарихий манбаларда асосли фикрлар келтирилгани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ватанимиз мустақиллиги ҳар бир юртдошимизда ана шу фахр ва ифтихорни чин дилдан ҳис қилиш, мустабид тузум даврида ҳатто номини тилга олиш ҳам тақиқланган, сўнгги манзилларига беписанд муносабатда бўлинган буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш имкониятини берди.

Президентликка номзод Самарқанд шаҳри, бу ерда турли даврларда барпо этилган тарихий-мъёморий обидалар, айниқса, Регистон ва Шохизинда ансамбллари, Амир Темури, Хўжа Дониёр ва Имом Мотуридий мақбаралари, Бибиҳоним, Хўжа Аҳрор ва Ҳазрати Хизир масжидлари, Чор Чинор ва Ҳазрати Довуд зиёратгоҳлари, Афросиёб музейи ва Мирзо Улуғбек расадхонаси каби қадимий ёдгорликлар халқимизнинг юксак мейморчилик санъати, аждодларимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан далолат беришини таъкидлади.

Самарқанд вилоятида ўтган йиллар давомида улуг алломалар, юртимиз тарихи ва халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк сиймослар номи билан боғлиқ ўнлаб муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар обод этилиши ҳам халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, буюк аждодларимиз номини улуғлаш, тарихни ўрганиш ва миллий ўзликни англашда муҳим омил бўлганини таъкидлаш лозим.

> 2-бет.



Ортиқали КОЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

— Мамлакатимизда халқимизнинг бебаҳо маънавий меросини асраб-авайлаш, санъатнинг барча йўналишини изчил раванқ топтириш орқали ёшлар тафаккури ва эстетик дидини юксалтириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Навқирон авлоднинг қалби ва онгида маданий мерос намуналарига нисбатан ҳурмат туйғуларини кучайтиришда ЎзМТДПнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сизчи?

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайловга тайёргарлик ишлари

партия сайлов штабларида кизгин кечмоқда

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик ишлари кизгин паллага кирди. Сайлов кампаниясининг моҳиятига кўра энг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Мазкур жараёнда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар янада фаол иштирок этаётир. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимидаги сайлов штаблари сайловга пухта ҳозирлик кўриш, партия номзоди сайловолди Дастурини ташвиқ қилиш бўйича кенг қўламда иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ЎзМТДП Марказий кенгашида ташкил этилган сайлов штаби вакилларининг сайловолди ташвиқоти борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

> 3-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида пухта ҳозирлик кўриш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, овоз бериш жараёнини сайлов тўғрисидаги қонуни ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этишда сайлов комиссияларининг муҳим бўлиши — участка сайлов комиссияларининг ўрни ва аҳамияти катта.

фаолияти ва аъзоларининг билими ҳамда тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис участка сайлов комиссияси таркибини тасдиқлаш жараёнида раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзоларига тавсия этилганларнинг билими ва тажрибаси, ташкилотчилиги ва амалдаги қонунчиликдан нечоғлик хабардорлигига алоҳида аҳамият қаратилди. Айни пайтда улар муҳим сиёсий жараённи уюшқоқлик билан ўтказиш учун шай ҳолатда турибди. Сайлов участ-

қончилиги ва жараёнлари билан таништириш, уларга керакли маълумотларни бериш билан машғул. Миллий сайлов қонунчилигига бағишлаб ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар, ҳудуддаги тарғибот баннер ва буклетлари аҳолининг сайлов тўғрисидаги хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Зеро, ушбу муҳим сиёсий тадбирни демократик тамойиллар асосида ошқора ўтказиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этишида сайлов участкаларининг аҳамияти катта.

Сайлов участкасида махсус жиҳозланган она ва бола хонасида барча шароит яратилган. Тиббиёт хоналари зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган. Бу ерда сайлов кунини малакали шифокор ва ҳамшираларнинг навбатчилиги ташкил этилади. Кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам қулайликлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Қашқадарё воҳасидаги барча сайлов участкалари кизгин ҳозирлик кўрмоқда. Бу мазкур муҳим сиёсий тадбирнинг тенглик, ошқоралик ва халқаро демократик тамойиллар асосида ўтишига хизмат қилади.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Участка сайлов комиссиясида

барча шароит муҳайё этилган

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида пухта ҳозирлик кўрилиб, кенг қўламдаги ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Қарши санъат коллежи биносида жойлашган 18-сайлов участкасида сайловчилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Сайловнинг юксак савияда ўтишида участка сайлов комиссиялари

каси замонавий алоқа воситалари ва кўргазмали қуроллар, зарур адабиётлар, матбуот нашрларининг янги сонлари билан таъминланиб, сайловчиларга қулай шароит яратилган, сайлов кутиси ва кўчма сайлов кутиси тайёрлаб қўйилди.

— Сайлов участкамиз ҳудудда 3 минг нафардан ортиқ сайловчи бор, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Дилшод Маъдиев. — Комиссия аъзолари фуқароларни сайлов



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Юзма-юз

«Давоми.
Бошланғич 1-бетда»

Дастурда маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий, ахборот ва ташқи сиёсат йўналишларида илгари сурилган таклифлар ҳалқимизда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва кадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш, жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, маҳаллий саноат самардорлигини янада ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, туризмни ривожлантириш каби масалалар ҳам илгари сурилган. Вилоятда 1105 археологик, 670 меъморий, 21 мемориал, 18 монументал, жами 1851 моддий-маданий мерос объекти мавжуд. Бу Самарқанд туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Номзоднинг сайловолди Дастурида туризмни ривожлантириш масаласи илгари сурилган. Зеро, учрашувда таъкидланганидек, туризм иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди. Хусусан, қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлашга, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига хизмат қилади.

Айтиш жоиз, бугунги кунда вилоятда бир вақтнинг ўзида 4500 кишини қабул қила оладиган юзга яқин замонавий меҳмонхона, 70дан ортиқ халқаро сайёҳлик фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Яратилаётган қўлайлик ва шароит-туфайли Самарқандга келаётган сайёҳлар оқими йилдан-йилга ортди бормоқда. Масалан, 2008 йилда бу ерга 53 мингдан зиёд сайёҳ келган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 180 мингдан ортиқни ташкил этди. Бироқ бу борада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Шу боис Дастурда белгиланган сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш вазифалари бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Учрашувда номзоднинг сайловолди Дастуридан ўрин олган — таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истъодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш вазифаси ҳам сайловчиларда кизиқиш уйғотди. Зеро, Самарқанд азал-азалдан илм-маърифат, маданият маркази сифатида бутун дунёда шўҳрат қозонган. Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз ҳудудларида бўлгани каби бу ерда ҳам илм-фан, таълим ва маданиятни ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни инсон капиталига айлантириш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Айни пайтда вилоятда 7 олий ўқув юрти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти каби илмий муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотлар самаралари Самарқанд вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатмоқда. Вилоят саноат салоҳиятининг юксалиши, ишлаб чиқариш

корхоналарининг барпо этилиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этаётди. Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ҳамда эксковаторлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Учрашувда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Самарқанд туманидаги 31-умумтаълим мактаби директори Зебинисо Шодиёева, Самарқанд давлат архитектура-курулиш институти ўқитувчиси Мусаввара Ибрагимова, Ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлими бош мураббийи Жамил Юсупов ва бошқалар номзоднинг Дастури ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

**Нафас ЭШҚОБИЛОВ,
Самарқанд давлат университетининг проректори:**

— Мустақилликнинг ўтган 25 йили халқимиз танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ҳаётий эканини кўрсатди. Ўз вақтида узокни кўзлаб ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш, миллий кадрларимиз бардавонлигини сақлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири мамлакатимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажақимизни барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Дастурида маънавий-маърифий, сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ, ижтимоий, ахборот ва ташқи сиёсат йўналишларидаги қатор мақсад-вазифаларга мамлакатимиз миллий манфаатлари, миллий кадрларимиздан келиб чиқиб ёндашилган.

Ёшларни миллий ўзликни англаш ва тарихий, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг маданий, тарихий ва интеллектуал меросини кўз қорачигидек асраб-авайлашга қаратилган вазифалар бугунги шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган глобаллашув даврида ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, “Баркамол авлод — миллат таянчи” тамойили остида илгари сурилаётган мақсадлар, ёшлар учун маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш борасидаги вазифалар вилоятдаги маънавият, маданият масканлари, таълим муассасалари фаолиятини, уларнинг шарт-шароитларини янада кенгайтиришга, ёш йигит-қизларнинг маънавияти юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**ЮКСАК
ТАРАҚҚИЁТИМИЗ
АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 15 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан сайловчилар вакиллари билан видеоқонференцалоқа шаклида ташкил этилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, партия аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Учрашувни халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Алламурод Келдиев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмунинов йиғилганларни ном-

зоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўз сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, — деди номзод. — Бепоев Қарши чўли бағрида жойлашган шаҳару қишлоқлар замонавий киёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалди. Бир пайтлар фақат аграр соҳага ихтисослашган ва қоқ деб ҳисобланган вилоятда мустақиллик йилларида янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Нефть-газ, тўқимачилик, тоғкон саноати каби бир қатор соҳаларда йирик корхоналар бунёд этилди, илғор технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда юртимизда қазиб олинаётган газнинг 64 фоизи, нефтнинг 67, газ конденсатининг 87,4 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда пахта ва галланнинг ҳам салмоқли қисми айнан шу вилоятда етиштирилади. Бундай оламшумул муваффақиятларга ўзидан эришилмайди, албатта. Бу кўрсаткичлар замирида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва вилоят аҳолининг фидокорона меҳнати муҳасам.

Ўзликни англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутди. Мамлакатимизда бу борада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш энг муҳим вазифа. Партияимиз миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берган ва бундан буюн ҳам ушбу ҳаётий масалалар доимо эътиборда бўлади, деб қайд этди Сарвар Отамуратов.



Бунда театрнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда театрга одамларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадий жиҳатдан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш ва, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида “Очқ эшиклар куни”ни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратамиз, деди номзод.

Таъкидланганидек, вилоятда Муллағўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят муסיқали драма театри, “Мулоқот” театр студияси ҳамда қўғирчоқ театри сингари маънавият ўчоқлари мавжуд. Уларнинг самарали фаолиятида номзод илгари сураётган ушбу йўналишдаги мақсад-вазифалар муҳим ўрин тутди.



Дастурда спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпия уйинлари дастуридан ўрин олган ва миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар спортини ривожлантириш, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишлари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича ҳам бир қатор вазифалар илгари сурилган.

Ватанимиз ифтихорлари саналган спортчиларнинг ҳаёт йўли ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтириш, “Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт — қудратли бўлу” шиори остида болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, эртаимиз эгаларини уч босқичли тизимдаги оммавий спортга — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақаларига кенг жалб этишни янада ривожлантириш сингари вазифалар иштирокчиларнинг диққат-марказида бўлди. Айниқса, ўзбек курашини Олимпия уйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро кураш федерацияси, Халқаро ва Миллий олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлаш борасидаги фикрлар қашқадарёлик сайловчиларда катта кизиқиш уйғотди.

Дастурда ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини

гиваларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш борасида мақсадлар иштирокчилар эътиборини тортди.

Учрашувда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири, профессор Юлдуз Эргашева, мазкур институт катта ўқитувчиси Саодат Муртозова, “Воҳа” газетаси бўлим муҳаррири Отабек Қўлдошев, Ўзбек жанг санъати федерацияси вилоят бўлими бош мураббийи Жасур Бобоназаров номзоднинг Дастури ҳақида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

Дилором МЕЙЛИЕВА,
маҳаллий ишлаб чиқарувчи:

— Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти мисли қўрилмаган даражада юксалди. Шўртан газ-кимё мажмуаси, “Муборакнефтьгаз” унитар шўмба корхонаси, Деҳқонobod қалийли ўғитлар заводи, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси каби замонавий саноат корхоналари, “Ҳисорнефтьгаз”, “Кўкдумалоқгаз”, “Шўртангазмаҳсулот” сингари йирик қўшма корхоналар барпо этилди.

Бир пайтлар кимсасиз кир-адирлардан иборат ҳудудда Деҳқонobod қалийли ўғитлар заводи қад ростлади. Бугун бу ерда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қалий ўғитлари ҳам мамлакатимиз эҳтиёжини қондиришда, ҳам хорижга экспорт қилинмоқда.

Юртимиз Буюк ипак йўли марказида жойлашгани боис нафақат неча минг йиллик тарихимиз шўҳрати, балки мустақиллигимиз ва буюк келажагимиз ҳам кўп жиҳатдан йўл-транспорт инфратузилмаси ривожига бориб тақалади. Шунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан дунё бозорига янги йўллар очиш, Ўзбекистонни бошқа давлатлар, минтақалар билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Номзоднинг сайловолди Дастуридаги Ўзбекистон мураккаб географик ўрни туфайли денгизга чиқиш имкониятига эга эмаслиги ва логистика инфратузилмасининг суист ривожланганлигидан келиб чиқиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархини тушириш имконини берувчи транспорт-экспедициялик компанияларга солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бериш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Дастури қабул қилиш ва амалга ошириш юзасидан илгари сурилган мақсад-вазифалар бу борадаги ишлар қўламининг кенгайиши, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлаш, яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ориф ХОЛИҚОВ,
Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбирлари

**Акмал РАҲМОНОВ,
юридик фанлар номзоди,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

— Ушбу масала ўз моҳият эътиборига кўра жуда муҳим саналади. Конституция ва қонунларимиз сиёсий ҳаётда, хусусан, сайлов жараёнида иштирок этувчи субъектларга бир хилда тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш мақсадини кўзлайди. Бу жиҳат сиёсий эркинликнинг юридик кафолати сифатида намоён бўлади. “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юқини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини қўздан кечиртишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудига давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспорт, такси ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текин юриш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ҳуқуқлари қонунчилигимизда юридик жиҳатдан ҳар томонлама кафолатланган. Мазкур юридик кафолатларни амалга ошириш учун бизда, биринчидан, номзодларнинг белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ва чегаралашнинг юридик меъёрлари мустаҳкамланган. Иккинчидан, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширишларида давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг масъуллиги белгиланган. Учунчидан, ноқонуний тажовуздан ҳимоя этилиши таъминловчи махсус меъёрлар (шикоят қилиш, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи) мавжуд ҳамда ҳуқуқни бузганлик учун махсус юридик жавобгарликнинг (интизомий, маъмурий, жиноий) аниқ турлари белгиланган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент сайловини демократик тарзда ташкил этиш, сайловнинг очиклик муҳитида, юксак ташкилий даражада, демократия меъёрлари ва конституциявий тамойиллар ҳамда амалдаги қонунларга мувофиқ равишда ўтказиш учун пойдевор вазифасини ўтайди.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов — 2016

Сайловга тайёргарлик ишлари

партия сайлов штабларида қизгин кечмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Жалолиддин САФОВЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, сайлов штаби раҳбари:



— Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён олдидида турибди. Ушбу тadbирда, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига катта масъулият юкланди. Шу маънода Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси тизимида ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш бўйича асосий тadbирлар дастури ҳамда Марказий кенгаш сайлов штаби томонидан ишлаб чиқилган режага асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори даражада ташкил этиши ва ўтказиш, партиямиз номзодини, унинг сайловолди Дастурини кенг ташвиқ қилиш борасида изчил сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти юритиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Президентликка номзод Сарвар Отамуратов вилоятларда, номзоднинг ишончли вакиллари туман ва шаҳарларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Юзма-юз мулоқотларда сайловолди Дастурда белгиланган маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт ва ижтимоий, ахборот ҳамда ташқи сиёсат йўналишларидаги мақсад-вазифаларнинг мазмун-моҳияти сайловчилар ҳамда кенг жамоатчиликка бевосита етказилмоқда.

Сайловолди ташвиқотини самарали ташкил этиш мақсадида партия Марказий кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотларида ташкил этилган сайлов штаблари зарур бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда тарғибот материаллари билан тўлиқ таъминланган. Партия Марказий кенгашида ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ҳар бир ҳудудий партия ташкилотига тузилган сайлов штабидида номзоднинг ташвиқоти билан шуғулланувчи гуруҳлар учун йўриқнома ишлаб чиқилди.

Штабда партиямиз номзоднинг сайловолди ташвиқоти қаратилган беш турдаги 642 донна баннер ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида тайёрланиб, ҳудудларга тарқатилди. Бугун 3x6 метр ҳажмдаги ушбу баннерлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум масканлари, марказий кўчалардаги ташқи реклама воситаларида жойлаштирилди. Сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини юқори савияда олиб бориш, номзод Дастурида илгарилар сурилган соғаларни турли тарғибот материаллари орқали сайловчиларга етказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, номзод Дастурининг қисқача мазмунини акс этган буклет, овоз беришга чақирғи акс этган флаер, чўнтак календари, стол тақвими, хатчўп, постер ҳамда кўрак нишонди тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, сайлов штабимиз мамлакатимизнинг барча ҳудудидида партиямиздан кўрсатилган номзод сайловолди ташвиқотини олиб бориш, Дастурини сайловчилар эътиборига етказиш бўйича ишларни тизимли давом эттирмоқда.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот котиби:



— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни мамлакатимизда кўппартиявийлик ва мўқбиллик асосида ўтказилмоқда. Бу муҳим тadbирда ўз номзоди билан иштирок этаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам сайловда муносиб иштирок этишга интиломоқда. Партия Марказий ва ҳудудий ташкилотларида йўлга қўйилган сайлов штаблари сайловолди ташвиқотини очиқ ва адолатли шароитда, демократик тамойиллар асосида ўтказишда қонунда белгиланган меъёрларга тўла амал қилган ҳолда фаол қатнашмоқда.

Маълумки, сайловда муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан бири — оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш. Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДП Марказий кенгаши сайлов штаби оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди ташвиқотини махсус медиа-режа асосида амалга ошири-



моқда. Хусусан, номзоднинг сайловолди Дастури, номзод ҳақида фильм ҳамда роликлар тайёрлаш, телевидение, радио, марказий ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет ахборот тармоғида номзоднинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш бўйича гуруҳлар шакллантирилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керак, бу каби ишчи гуруҳлар бошланғич партия ташкилотлари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларида тузилган сайлов штабларида ҳам изчил фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, партия Марказий кенгаши сайлов штабидида сайловолди ташвиқоти жараёнида кўргазмали материаллардан унумли фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кўргазмали ташвиқот материалларида Дастурдаги йўналишларни ўзида акс эттирган ширлар билан сайловчиларга мурожаат этилди. “Миллий тикланиш, авваламбор, миллий ўзликни англаш демократия”, “Миллий манфаатлар ва миллий кадрларимиз ҳимояси — бош вазифамиз!”, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ!”, “Баркамол авлод — миллат таянчи!”, “Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз!”, “Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқтисодий ислохотларнинг негизидир!”, “Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт — қудратли

бўлур!”, “Миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!” каби ширлар шулар жумласидандир.

Ақбар ЖИЯНОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси девони бош мутахассиси:



— Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади. Жорий йилда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам иштирок этадиган юртдошларимизнинг катта қисми ёшлардан иборат: 555 минг нафардан ортиқ йигит-қиз ушбу муҳим тadbирда биринчи марта иштирок этади. Номзоднинг Дастурида илгарилар сурилган ғоя ва мақсадларга уларнинг эътиборини жалб қилишда Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда “Uz” доменда 30 мингга яқин веб-сайт мавжудлигини, уларнинг 360 дан ортиғи оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият юритишини, 13 миллиондан зиёд юртдошимиз Интернетнинг фаол фойдаланувчилари эканлигини ҳисобга олсак, ундан сайловолди ташвиқоти жараёнида фойдаланишнинг самараси яққол намоён бўлади.

Шу боис партиямиз номзоднинг сайловолди ташвиқотини амалга оширишда Интернет нашрлари ҳамда ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу партиямиз сайлов кампаниясини олиб бориш борасидаги тажрибасида янгилик бўлиб, катта қизиқиш ва муносабатларга сабаб бўляпти.

Бугунги кунда бир қатор Интернет нашрлари, авваламбор, партиямизнинг mt.uz, parтия матбуот нашрининг milliytiklanish.uz ҳамда энг кўп фойдаланувчилар аудиториясига эга бўлган бир қатор оммабоп сайтларда номзоднинг сайловолди Дастури аудио, видео, фотолавлар ва инфографикалар воситасида ташвиқ қилинмоқда.

Бундан ташқари, партиямиз номзоди сайловолди Дастурини аҳоли кенг қатламга етказиш, улар орасида ташвиқ қилишда бугунги кунда Интернет ва мобиль иловаларда энг кўп қўлланилаётган ижтимоий тармоқлар имкониятидан ҳам самарали фойдаланилаётимиз. Жумладан, Facebook, Instagram, Twitter, Dava.uz ҳамда Telegram ва бошқа ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг махсус саҳифалари очилди. Улар мунтазам равишда янгиланиб, сайловчилардан келган мурожаат ва саволларга ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда.

Партия вакилларининг фикр-мулоҳазаларидан хулоса қилиш мумкинки, ЎзМТДП Марказий кенгаши ва ҳудудлардаги сайлов штаблари сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун берилган ваколат ва имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда. Номзод Дастурининг асосий йўналишлари ва ғоялари ташвиқотини амалга ошириш жараёнида яқиндан ёрдам бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этиши, партия нуфузини янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

“Milliy tiklanish” мухбири
Мухтарама КОМИЛОВА тайёрлади

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ушбу мувофиқ, кузатувчининг асосий мақсади сайловга тайёргарлик куриши ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда партия манфаатларини қўллаб, сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат. Мамлакатимизда сиёсий партиянинг аъзоси, унинг тарафдори ёхуд мазкур сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган Ўзбекистон Республикасининг 18

қўйилган. Масалан, кузатувчи сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиши, сайловчиларга таъсир ўтказиши, бирор-бир ташвиқот материали ёки адабиётни тарқатиши, сайловчилардан кимни ёқлаб овоз берганини суриштириш ёки уларга бюллетенга белги қўйишда бирор-бир тарзда ёрдам кўрсатиши, участка сайлов комиссиясининг фаолияти, шу жумладан, сайлов қўтиларини муҳрлаш, очиш ва овозларни санаб чи-

Партия кузатувчилари учун

семинар ташкил этилди

ёшга тўлган фуқароси ушбу сиёсий партиядан кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

— Сиёсий партия кузатувчиси ўз

қишда аралашishi мумкин эмас.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этадиган ЎзМТДП

вазифасини тўлақонли ва самарали бажариши учун, у энг аввало, миллий сайлов қонунчилигидан яхши хабардор бўлиши, кузатувчининг ҳуқуқ ва ваколатларини, мажбуриятларини пухта билиши лозим, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов. — Миллий сайлов қонунчилигига асосан, кузатувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қўтиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланиши, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиб бориши лозим. Шунингдек, у овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш, агар сайлов участкасида қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, бу ҳақда юқори комиссияга маълум қилишга ҳақли.

кузатувчиларининг фаол иштироки сайловнинг очиқ-ошкора, адолатли тарафда ўтишига хизмат қилади. Шу боис ҳудудий партия ташкилотларида ЎзМТДП кузатувчиларининг ҳуқуқий билимларини, сайлов жараёнига оид малакаларини янада юксалтиришга қаратилган семинар ва учрашувларни тизимли ташкил этиш режалаштирилган.

ЎзМТДП томонидан ташкил этилган ушбу онлайн видеоконференция тарафидида семинарда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Юлия Куденева ҳамда Хенрик Вестерби ҳам иштирок этди.

Семинарда кузатувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



Депутат минбари

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаси, жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, уни давр руҳига мос ривожлантириб боришни тақозо этади. Zero, ислохотлардан қўзғалган асосий мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали демократик тартибларни мустаҳкам жорий этишдан иборат. Айни шу маънода сайлов демократик жамият, ҳуқуқий давлат барпо этишда энг муҳим омиллардан бири саналади.

Миллий сайлов қонунчилигимизда миллий давлатчилик тажрибаси, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти билан бир қаторда умумэтироф этилган халқаро тамойил ва меъёрлар ҳам эътиборга олинган. Бу жиҳатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар қабул қилган халқаро-ҳуқуқий

Миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти

изчил такомиллаштирилмоқда

ҳужжатларга тўла мос келади. Хусусан, миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқ меъёрларига хос — фуқароларнинг кўппартиявийлик ва мўқбиллик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайловнинг демократик асослари акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқига оид нормалар асосида йигирмага яқин қонун қабул қилинган. Миллий сайлов қонунчилигимизда нафақат сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари, муддати ва тартиби, балки унинг амалиётда бевосита қўлланилишига хизмат қилувчи ижро механизмлари ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Фуқаролик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларида сайлов қонунчилиги бузилган ҳолати юзасидан ишларни кўриб чиқишнинг тартиби ва ўзига хослиги ажратиб кўрсатилган.

Очиқлик ва ошқоралик сайлов-

нинг эркин ва адолатлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган сайё-ҳаракатлар натижасида сайловлар очиқ, ошқора, транспарентликка асосланган ҳолда ўтмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Президент сайловига тайёргарлик куриш ҳамда уни ўтказиш жараёнида сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошқора амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, сайлов жараёнининг барча иштирокчиларига ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қулай имконият яратди. Оччиқлик ва ошқоралик, айниқса, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва фаолияти билан хабардор этиб бориши, сайловчиларни сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништириш, номзодлар ҳақида маълумотлар бе-

риши, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилишида яққол намоён бўлади.

Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов тизимининг мустаҳкамлангани миллий сайлов қонунчилигимизнинг энг муҳим хусусиятидир.

Чунки мазкур орган сайловнинг демократик асосда ўтишини, ҳолиселигини, сайловчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Айни шу жиҳатлар хорижий экспертларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлаётгани эътиборга молик.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда амалга оширилган демократик, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар самараси ўлароқ сайлов қонунчилиги ва амалиёти тобора такомиллашиб бормоқда. 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшим-

члар сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган. Унга мувофиқ, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига доир, қамқоқда сақлаш жойларида овоз бериш тартибига солиш, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловолди ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, турлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, муддатидан аввал овоз бериш тартибини янада соддалаштирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар йиғидаги имзо варақаларининг сонини қисқарттиришга оид янги нормалар киритилди.

Яна бир муҳим жиҳат: шу йилнинг 9 сентябрида Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тadbирлар дастурида миллий қонунчи-

лик талабларидан келиб чиққан ҳолда сайловни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий механизмлар ўз аксини топган. Мазкур дастур Марказий сайлов комиссиясининг Интернетдаги расмий веб-сайтида эълон қилинди. Бунинг натижасида сайлов жараёнининг барча иштирокчиси у билан бевосита танишиш имконига эга бўлди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бу каби сайё-ҳаракатлар сайловни адолатли, очиқ-ошқора, қонуний, халқаро меъёрларга мос тарзда ўтказиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларини қоплатиш, сиёсий партияларнинг мазкур жараёнда фаол қатнашишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу эса шу кунларда қизгин давом этаётган сайлов кампанияси тadbирлари ҳамда сайловолди ташвиқотининг миллий қонунчилигимиз талабларига, умумэтироф этилган меъёрларга қатъий риоя этилган ҳолда, очиқ ва ошқора ўтказилишида муҳим омил бўлаётир.

Мухтабар ХУСАНОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ! САРВАР ОТАМУРАТОВ НОМЗОДИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!


Мозийдан садо

Мамлакатимизнинг ҳар бир худуди ўзига хос бой тарих, маданий-маънавий меросга эга. Буни мамлакатимиз жануби — Сурхондарё воҳаси мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Сурхон тоғ кенгликлари неча асрлардан буён қадимий манзил-маконлар, ёдгорликлар, антик санъат асарлари, воҳада яшаб ўтган инсонларнинг ноёб тарихи билан боғлиқ ҳақиқатларни ўз бағрида асраб келяпти.

Воҳа худуди қадимдан турли давлатларнинг савдо-маданий алоқалари, халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни йўлга қўйишда муҳим ўрин тутган. Илм-фан, деҳқончилик, хунармандчилик, меъморчилик каби соҳалар кенг ривожланган.

Яқинда археолог олимлар Кўхитанг тоғ ёнбағрида жойлашган Зарабоғ қишлоғи ёнидаги Карит сойидан 114 га яқин тошга чизилган антика суратларни топишга муваффақ бўлди. Термиз давлат университети олимлари ушбу суратларни бронза даври, яъни милoddан аввалги икки мингинчи йилларга тааллуқли, деб ҳисобламоқда.

Суратлар ҳар хил ҳажмдаги тошларга ишланган. Уларда, асосан, осмон жисмлари, ҳайвонот, ўсимлик ва мифологик тимсоллар тасвирланган.



Олимларнинг фикрича, улар Зарабоғ сойдаги қоятош суратларига ўхшаш ва қадимий.

— Мени кўп йиллардан буён Зарабоғ сойдаги суратлар ягона бўлмаса керак, деган савол ўйлангириб юрарди, — дейди Термиз давлат университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти Нозим Икромов. — Ушбу саволларга жавоб излаш мақсадида мутахассис ва талабалар билан бирга Кўхитанг ёнбағридаги барча худуд-

Зарабоғдаги янги топилмалар

ҳам тарих тилсимини очиш, ҳам туризм ривожига муҳим аҳамиятга эга

лар билан обдон танишдик, сой, қоятошларни бирма-бир кўздан кечирдик. Бунинг натижасида ҳам саволларимизга жавоб топдик, ҳам воҳамизда биз тарихчилар тадқиқ этишимиз керак бўлган жой ва осори-атиқалар ҳали кўп эканлигини англадик. Зарабоғдан топилган суратлар бронза даврига оид бўлиб, уларда ҳайвонлар ва ов манзаралари тасвирланган. Демак, Зарабоғ сой битиклари юртимизда ягона эмас.

— Кайрит сойидан топилган суратлар юртимизда одамзод азалдан яшагани, инсоният тамаддунининг илк бешикларидан бири бўлганидан яна бир бор далолат беради, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Колаверса, ушбу топилмалар мамлакатимиз таъсирли санъати тарихида ўзига хос янгилик ҳам саналади. Топилмалардан бирида куёш, ундан таралаётган нур ва аёл сиймоси тасвирланган бўлса, яна бирида афсонавий дев, тоғ эчкиси ва ой тасвири маҳорат билан ишланган.

Хайратланарлиси, гарчи топилмаларда ҳар хил тасвир акс этган бўлсада, бироқ улар бир-бирини тўлдириб, давом эттириб бориши эътиборга молик. Айни пайтда олимлар ушбу ноёб топилмалар устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Юртимизда тарихий тепалик, муқаддас қадамжов ва зиёратгоҳлар жуда кўп. Лекин бугунги кунда уларнинг барчаси ҳам чуқур тадқиқ этилмаган.



Ана шундай тадқиқотлар натижасида Сурхондарёнинг узок ўтмишидан сўзловчи ноёб экспонатлар янада кўпайиб бормоқда. Бу эса воҳада эко-туризмни ривожлантириш, тарихий мерос ва ноёб топилмалардан янада самарали фойдаланиш, хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу, ўз навбатида, партиямиз фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки ЎзМТДП сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Туман партия ташкилоти депутатларимиз билан ҳамкорликда ушбу масалани маҳаллий Кенгаш сессиясига олиб чиқиш, ҳудудимиздаги осори атиқаларни асраш, олимлар кўмағида илмий тадқиқ этиш, пировадидда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшишга интилади.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Ангор туман
кенгаши раиси

Истеъмолчи ҳуқуқи

Яқинда телевизор харид қилиш учун вилоят марказидаги дўконлардан бирига кириб, уларнинг хилма-хиллиги ва янги-янги турларини кўриб, танлашда шошиб қолдим. Харидор зийрак бўлмаса адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Телевизор харид қилишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Шерзод БЎСТОНОВ,
Нурота тумани

Телевизор харид қилганда...

Телевизор танлашда, албатта, оила аъзоларининг эҳтиёжини ҳисобга олиш ва соғлиғига зарар етишига йўл қўймаслик зарур. Биринчи навбатда, экран ҳажмига эътибор қаратинг. Агар хонангиз катта бўлса, телевизор ҳам катта жойга мос бўлиши керак. Ошхона, ётоқхона ёки кичикроқ хоналар учун ихчам — 32 дюйм (81 см) экран диагоналга эга телевизор танланг.

Зал ёки меҳмонхонага қўйилган телевизор экран ҳажми 40 дюйм (101 см) ва ундан юқори бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолат-

да ҳам экранга жуда яқин ўтирмастик керак. Бу кўриш қобилиятингизни сусайтиради. Катта экранли телевизор ҳам катта жой танлайди, ҳам уни кўп томошабин кўриш имконига эга бўлади.

Айни пайтда барча замонавий телевизорда флешка, ташқи хотира ташувчилар (қаттиқ дисклар) ўрнатиш ва у орқали фильмлар, фотосуратлар томоша қилиш, мусиқа тинглаш имконияти мавжуд. «Smart-TV» ёки «ақлли» телевизорлар қимматроқ. Лекин улар воситасида Интернетга улашиш, махсус кўзойнақлар ёрдамида тас-

вирларни кенг ҳажмда ва аниқ-тиниқ кўриш мумкин.

Телевизор харид қилаётганда, албатта, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган технологияга эътибор қаратинг. Бу ерда фақат тасвирни индивидуал қабул қилишда тафовут бор. Ҳозирда суяқ кристалли, LED ва плазмали панелли телевизорлар кенг тарқалапти. Ёрқин тасвирларни асосан, LED-экранлар, яъни суяқ кристалли панеллар тақдим этади. Чунки уларда лампочка ўрнида светодиодлар қўлланиляпти. Светодиод тасвири имкон қадар майин ва сифатли кўрсатади.

Айни пайтда турли ҳажмдаги плазмали телевизорлар ҳам кенг ишлаб чиқариляпти. Лекин уларда тасвир ҳар доим ҳам ёрқин бўлавермайди. Уйингизга фақат ҳашамат ва салобат бахш этиши мумкин. Ёйсимон телевизор ҳам ўзига хос жиҳатларга эга: кўрсатув ёки фильмларни ён томондан ҳам бемалол кўрсатиб бўлади, ҳеч қандай ноқулайлик сезилмайди. Бу уч турдаги телевизор сифатли ва чидамлилиги билан ҳам бир-бирдан қолишмайди.

Сўнги пайтда ишлаб чиқарувчилар бундай телевизорларга мобиль курилмалардан кўчирилган IPS технологияларини ҳам илова қилмоқда. Бу тасвир ҳамда овозини сезиларли даражада яхшилаш имконини берапти.

Яна бир муҳим томони — катта ҳажмдаги рақамли телевизорнинг кўриш харитаси остида махсус бўлмалар мавжуд. Мамлакатимизда рақамли телевидение имкониятлари кундан-кун ривожланиб бормоқда. Бу ҳар биримизга дастурларни юқори сифатда томоша қилиш имконини беради.

Жамшид ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
жамиятлари федерацияси
Навоий шаҳар жамияти раиси

**ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

Ўзбекистон Республикаси Вакиллар
Мажлисининг 2011 йил 18 ноябр кунининг
309-сонли қарорига асосан Республиканинг ҳудудини
зорий йилининг 10 ноябрдан 2017 йил 10 январгача
ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ КУНЛАРИ
ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ёшнингиз кунини Ёнги хавфсизлиги
қонунини риоя қилиш орқали Сиз ёнги
келиб чиқишнинг олдига олиб, дилда ва шахсини
мол-мулкнингизни, унингизни ҳамда апрофитнингизни
қилишнинг ҳаёти асриб
қолингиз бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

